



MURABBIY
ILMIY-MA'RIFIY JURNAL

“**MURABBIY**”

**ILMIY-MA'RIFIY
JURNAL**

Issue:2 2021

<https://science.jspi.uz/>



Chief Editor:

S.Nazarkasimov, Doctor of Philosophy (Ph.D) in Sociology, Vice-Rector of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Deputy Chief Editor:

A.Turaev, senior teacher of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Members of the editorial board:

Sh.S.Sharipov - Professor

B.M.Ochilova - Professor

D.Khodjimetova - assistant professor

A.Pardaev - assistant professor

M.N.Khoshimkhonov - assistant professor

A.I.Saidkasimov - assistant professor -

F.K.Akhmedov - assistant professor

B.E.Toshboev - assistant professor

I.N.Akhmedov - PhD

D.Salimova - PhD

N.N.Alimov - assistant professor

M.Saidov - Ph.D.

X.Maxammadiev - teacher

Editorial Representative:

Abrar Turaev

Jizzakh State Pedagogical Institute,
Uzbekistan

Phone: +998933091877

e-mail: ijtimoiy2017@mail.ru

**ONLINE ELECTRONIC
JOURNAL**

“Murabbiy” ilmiy-ma’rifiy jurnali
“Mentor” scientific-educational
journal

Научно-просветительский
журнал “Наставник”

Indexed By:



Published By:

<https://science.jspi.uz/>

**Jizzakh State Pedagogical
Institute, Uzbekistan**



MUNDARIJA / CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

№	MUALLIFLAR/ AUTHORS / АВТОРЫ	MAQOLA NOMI/ ARTICLE TITLE/ НАЗВАНИЕ СТАТЬИ	SAHIFALAR/ PAGES/ СТРАНИЦЫ
1	Н.А.Шермухамедова	Даврнинг руҳи ва таълим тизими ислохотларининг мутаносиблиги	4-10
2	С.С.Агзамходжаева	Аёл маънавияти – ҳаёт зийнати	11-16
3	О.М.Ғайбуллаев	Ёшларда диний бағрикенгликни шакллантиришнинг фалсафий моҳияти	17-20
4	Г.М.Тўраева	Юксак маънавият маъсулияти	21-28
5	Ф.Б.Ғайзиева	Ёшлар кибер ижтимоийлашуви амалий социологик тадқиқот объекти сифатида	29-32
6	Ф.Маматқулов	Шахс камолотида маънавиятнинг ўрни	33-38
7	А.А.Қамбаров	Ёшларни маънавий-ахлоқий таҳдидлардан ҳимоя қилишда диний ислохотлар масаласи	39-42
8	С.Э.Ибрагимов	Баркамол авлодни шакллантиришда гўзаллик тушунчасининг ахамияти	43-47
9	И.М.Арзиматова	Глобаллашувнинг ёшлар маънавий тарбиясига салбий таъсири	48-51
10	Г.Х.То`ғайева	Globalashuv sharoitida yoshlarda axborot istemoli madaniyatini shakllantirish va rivojlantirish masalalari	52-55
11	У.Б.Муҳаммадиев	Маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашиш ўзликни англашдадир	56-60
12	Н.Алиматова	Глобаллашув шароитида ёшлар онгида миллий ғояни шакллантиришда интеллектуал кадрларнинг роли	61-65
13	S.A. Pilyak	Analysis of the concept of identity in the context of cultural heritage interpretation	66-71
14	Н.Тангиров	Ижод жараёнининг фалсафий таҳлили	72-75
15	М.Мамажонова	Глобаллашув ва маънавий таҳдидларнинг моҳият-мазмуни	76-78
16	Б. Б. Жалолов	Зардуштийлик таълимоти манбалари таҳлилиянализ источников учения зороатризма	79-82
17	Ф.Абдусаматов	Ёшлар тарбиясида ислом омили	83-86
18	А.А.Абдурахмонов	Давлат ва жамият бошқарувида ёшлар муаммоларини ҳал қилишнинг устувор йўналишлари	87-91
19	M.Nabiyev	Globalashuv sharoitida ijtimoiy-ma’naviy qadriyatlarga asoslangan mafkuraviy	92-96

		tarbiyaning ahamiyati	
20	М.Маматмусаева	Глобаллашув шароитида мафкуравий тарбиянинг ўрни: муаъммо ва ечимлар	97-101
21	Н. Davlatova	Jizzax vohasi tojiklari: an’anaviy turmush tarzi va urf-odatlar	102-108
22	З.Миркомилова	Глобаллашув: манфаатлар ва зиддиятлар	109-114
23	С.Музаффаров	Миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш маънавий ҳаётнинг долзарб вазифаси	115-118
24	С.Тоштемирова	Глобаллашув шароитида маънавиятни шакллантиришда диний бағрикенгликнинг аҳамияти	119-121
25	С.Каримов	Шахснинг ҳаётий мақсадлари ва уларнинг ижтимоий аҳамияти	122-124
26	А.Э.Зиётова, Э.А.Бозоров	Глобаллашув шароитида маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашда таълим-тарбия муассасаларининг вазифалари	125-129
27	А.Ш.Эшмуҳаматов, Ж.Хушбақов	Амир Темур салтанатининг вужудга келиши	130-133
28	А.Пармонов	Ёшлар ватанпарварлиги - хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш кафолати	134-140
29	П.Қулматов	Шах маънавиятини шакллантиришда ота-она масъулияти	141-144
30	Ш.Ж.Хашимов, С.Х.Хашимова	Маънавий глобаллашув, ахборотлашган жамият ва ёшлар тарбияси	145-148
31	А.Холбоев	Ёш авлодни юксак маънавиятли шахс қилиб тарбиялашнинг назарий – педагогик асослари	149-154
32	А.Пўлатов	Мусулмон мамлакатларида ислом омили ва сиёсий фаолият	155-161
33	Н.Абулҳасан	Виртуал терроризм ва унга қарши курашиш	162-172
34	М.Мuhammadsidiqov	Mintaqaviy hamkorlik jarayonlarining metodologik asoslari	173-180
35	М.Сайидов	Жамият маънавий-ахлоқий муҳитини такомиллаштириш йўллари	181-186
36	А.Рўзиев	Дунёқарашда тарихий хотира ва онгнинг ўзаро деалектикаси	187-193

МУСУЛМОН МАМЛАКАТЛАРИДА ИСЛОМ ОМИЛИ ВА СИЁСИЙ ФАОЛИЯТ

Пўлатов Абдор, PhD.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мусулмон араб давлатлари ҳуқуқий тизими ва давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-ҳуқуқий ва сиёсий муносабатларни тартибга солишда ислом динининг ўрни ҳамда ислом қонунчилиги амалиёти масалалари таҳлил қилиниб, турли араб давлатларидаги ислом ҳуқуқи қўлланиши ва диннинг давлат бошқарувига таъсири ўрганилади. Мақолада ислом дини кўпчилик араб давлатларининг сиёсий-ғоявий мақсадини амалга оширишда ҳам муҳим ўрин тутиши, давлат ва диннинг бирдамлик тимсоли сифатида намоён бўлиши, шу билан бирга, мусулмон давлатларидаги замонавий дин сиёсати хусусиятлари қиёсий таҳлил асосида ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются правовая система и управление мусульманскими арабскими государствами, роль ислама в регулировании социально-правовых и политических отношений и практика исламского права, применение исламского права в различных арабских странах и влияние религии на государственное управление. В статье обсуждается роль ислама в политических и идеологических целях большинства арабских стран, проявление государства и религии как символа солидарности, а также проводится сравнительный анализ особенностей современной религиозной политики в мусульманских странах.

SUMMARY

The article analyzes the legal system and governance of Muslim Arab states, the role of Islam in the regulation of socio-legal and political relations, as well as the application of Islamic law in various Arab countries and the impact of religion on public administration. The article discusses the role of Islam in the political and ideological goals of most Arab countries, the manifestation of the state and religion as a symbol of solidarity, as well as a comparative analysis of the features of modern religious policy in Muslim countries.

Таянч сўз ва иборалар: дин, ислом дини, ислом омили, араб давлатлари, шариат, конфессия, дин арконлари, диний қадамжолар, ислом ҳуқуқий тизими

Ключевые слова: религия, исламская религия, исламский фактор, арабские государства, шариат, конфессии, религиозные колонны, религиозные святыни, исламская правовая система

Keywords: religion, islam religion, islamic factor, arab states, sharia, religious confession, religious pillars, religious shrines, islamic legal system

Ҳозиргача ислом дини кўпчилик араб давлатларининг сиёсий-ғоявий мақсадини амалга оширишда ҳам муҳим ўрин тутган. Бу бир тарафдан, сиёсий тузумларнинг барқарорлигига олиб келса, иккинчи томондан, айрим тафовутларни юзага келтирмоқда.

Ислом дини энг авваламбор, мамлакат, давлат ва дин бирдамлик тимсоли сифатида намоён бўлмоқда. Миллий-озодлик урушлари ва сиёсий мустақилликка эришиш даврида ислом омили муҳим аҳамият касб этган. Қонуншуносларнинг таъкидлашича, конституцияларда исломни жамият ва давлат асоси сифатида эътироф этишга интилиш кўп қузатилган. Қуръон ва шариат қоидалари ҳуқуқий нормаларнинг асоси ҳисобланади, улар қайсидир кўринишда конституциявий актлар ва қонунларнинг асосидир.

Анъанавий ислом сиёсий концепциясига мувофиқ ҳукмдорнинг асосий вазифаси – дин ҳамда диний этика ва амалий шартларни жам этган шариатни сақлаш ва ҳимоя қилиш муҳимдир.

Мазкур моделнинг классик мисоли сифатида Саудия Арабистони давлати келтирилади. Давлатда ислом нафақат давлат дини, балки давлат ва ижтимоий-иқтисодий тузумни, барча давлат органларини, уларнинг ташкил этилиши ҳамда фаолиятини,

шунингдек, фуқароларнинг мажбуриятларини белгилаб берувчи асосий қонун ҳамдир. Диний ва дунёвий мансаблар ҳам мазкур давлатда ўзаро боғлиқдир. Зеро, 1992 йилда қабул қилинган “Давлат тизимининг асоси” номли дастурнинг 1-моддасига кўра, “Саудия Арабистони Подшоҳлиги — мустақил араб давлатидир. Унинг дини – ислом, Дастури (Конституцияси) – Қудратли Аллоҳнинг китоби ва унинг пайғамбарининг суннасидир”⁴⁰. Ушбу ҳужжатда ислом динини тарғиб қилиш ва бошқа диннинг фаолиятига тўсқинлик қилиш қатъий белгиланган. “Давлат тизимининг асоси”нинг 48-моддасида қиролликда шариатнинг ўрни аниқ белгиланган: “Суд ишлари кўрилиш маҳалида Куръон ва суннага, шунингдек, ҳукмдорнинг қарорларига асосланган ҳолда иш юритишлари лозим”⁴¹.

Диний таълимотни омма ичида бажартириш яхшиликни ёйиш ва ёмонликка чек қўйиш (Ал-амру бил маъруф ва наҳйи аън Ал-мункари) кўмитаси томонидан амалга оширилади. Мазкур кўмита деярли барча аҳоли пунктларида фаолият юргизиб, “давлат ислом динини муҳофаза қилиши, унинг ўрнатилиши, гуноҳларга йўл қўйилмаслиги ҳамда исломнинг тарқатилиши устидан назорат ўрнатади” (“Давлат тизимининг асоси”, 23-модда) деб конституциявий ҳуқуққа асосан иш юритади⁴².

Таъкидлаш жоизки, араб давлатларида, айниқса, Форс кўрфазидидаги монархияларда ислом омили фақат сиёсий фаолият билан чекланмайди. Аксинча, давлат омма орасида ислом ғояси, маданияти, этикасини тарғиб қилиш бўйича кўп ишларни амалга оширади. Зеро, талаблар ушбу давлатларнинг конституцияларида зикр этилган. Ислום ўзлиги энг авваламбор, оилада ва умумтаълим муассасаларида тарғиб қилинади. “Давлат тизимининг асоси”нинг 9-моддасида шундай дейилади: “Саудия жамиятининг асосини оила ташкил этади. Унинг аъзолари ислом дини асосида, айниқса, Қудратли Аллоҳ ва Унинг расулига бўлган садоқат ва бўйсунуш руҳида тарбияланмоқликлари лозим. Улар қонунларни ҳурмат қилиши ва бажариши, ўз Ватани ва унинг тарихини севиш ва ардоқлашлари лозим”. Мазкур модда оиладаги муҳитни фақат ислом дини асосларига қуришни талаб этади. Шунингдек, қиролликдаги таълим ҳам шу йўналишдадир: “Таълимнинг мақсади – ўсиб келаётган ёш авлодга ислом динининг тамойилларини сингдиришдир”⁴³.

Албатта, шу ўринда араб мамлакатларидаги қонун-қоидаларни ўзаро солиштириб ўтиш, мақсадга мувофиқ бўлади.

Баҳрайн давлати конституциясининг 22-моддасига кўра, “Давлат диннинг дахлсизлигини, диний қарашларнинг эркин танланишини, диний қадамжоларнинг дахлсизлигини, шунингдек, мамлакатда амалда бўлган урф-одатларга асосланган ҳолда дин арконларига амал қилиш ва диний йиғинларда қатнашиш ҳуқуқини қафолатлайди”. 18-моддага кўра, “барча шахслар ирки, келиб чиқиши, тили, дини ва қарашларидан қатъий назар, қонун олдида ўз ҳуқуқ ва бурчларини бажаришда тенгдирлар”⁴⁴.

Қонунда судларнинг уч поғонаси назарда тутилган: қуйи поғона судлари, юқори турувчи апелляция судлари ва шикоят аризаси судлари. Судлар иккига ажратилган: фуқаролик ва жинойт судлари ҳамда шариат судлари (шахсий ишлар бўйича). Суннийлар ва жаъфарийлар ишлари бўйича Шариат судлари никоҳ, ажралиш, ворислик, ғамхўрлик ва бошқа шунга ўхшаш ишлар билан шуғулланади. Шариат судлари конституцияда келтирилган виждон эркинлиги тамойилларига асосан, мурожаат қилганлар шахсий масалаларини уларнинг қайси ҳуқуқий мактабга тегишлилигини ҳисобга олган ҳолда кўриб

⁴⁰ دار العدالة والقانون العربية: دستور المملكة العربية السعودية

// <http://www.justice-lawhome.com/vb/showthread.php?3573->

⁴¹ دار العدالة والقانون العربية: دستور المملكة العربية السعودية

// <http://www.justice-lawhome.com/vb/showthread.php?3573->

⁴² Ўша жойда.

⁴³ Яковлев А.И. Исламский фактор в политике Саудитов в 90-е годы XX в. // Ближний Восток: проблемы региональной безопасности (сборник статей). – М., 2000. – С. 67-71.

⁴⁴ Дастур Мамлакатул ал-Баҳрайн // <http://www.shura.bh/LegislativeResource/Constitution/Pages/default.aspx>

чиқадилар. Мусулмонлар ўртасидаги баҳсли вазиятлар шариат судлари томонидан, ҳар хил дин вакиллари ўртасидаги вазият фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилади⁴⁵.

Шариатга келадиган бўлсак, Қувайт (2-модда), Баҳрайн (2-модда), БАА (7-модда), Уммон (2-модда) конституцияларида у қонунчиликнинг “асосий”, “фундаментал” манбаи ҳисобланади⁴⁶.

Араб монархияларида сиёсий партияларнинг тақиқлангани ҳам дин билан боғлиқ. Зеро, улар мусулмон жамоаси (умма)нинг бирлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ислонинг конституциявий тартибга солиниши ҳам ҳар хил кўриниши мавжуд. Аввалом бор, барча араб давлатларининг конституциялари ислонни давлат дини деб тан олади. Аммо, Ливан бу ҳолатдан мустаснодир. Ҳозир Ливанда 17 хил диний конфессиялар мавжуд бўлишига қарамай, ислон ва христиан асосий динлар ҳисобланади. 1998 йилги Судан конституциясига бироз тўхталсак, унда ҳам эҳтиёткорона таъриф берилган: “Судан давлати миллий ва маданий тенглик ва диний бағрикенглик давлатидир. Ислон кўпчиликнинг дини ҳисобланади, христианлик ва миллий динлар кўп тарқалган” (1-модда)⁴⁷.

Баъзи араб давлатларида конституциявий ҳолатлар жиноят кодекси билан тўлдирилган. Хусусан, Сурия Жиноят кодексининг 307-моддасига биноан, ҳар қандай диний ёки душманлик, жамоалар ва табақалар ўртасида ғайрилиқка олиб келишни мақсад қилувчи ҳаракат, оғзаки ёки ёзма чақириқ олти ойдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек, 200 фунтгача жарима ва сайланиш ҳамда давлат мансабини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Баъзи давлатларда (Марокаш, Ливия, Иордания, Миср ва б.) ҳозиргача мусулмон ҳуқуқларига амал қилиниб, ҳуқуқ манбаи сифатида Қуръон тан олинади. Кўпчилик конституциялар давлат қонунчилиги ислон тамойиллари асосида тузилилади.

“Ислон давлат динидир, ислон ҳуқуқий тизими эса қонунчиликнинг асосий манбаидир”, – дейлади 1991 йилги Яман конституциясининг 2-моддасида⁴⁸. Судан конституциянинг 55-моддасида қонунчиликнинг асоси сифатида қуйидагилар белгиланган: “ислом ҳуқуқи ва консенсус, референдумдаги халқ хоҳиши, конституция ва одат”⁴⁹.

1971 йилги Миср конституцияси ислоннинг жамият ривожига муҳим ролини эътироф этади. Шариат қонунларига риоя қилиш – нафақат диний ва шахсий, балки мусулмон фуқароларнинг ҳуқуқий мажбуриятлари ҳамдир. Ислон давлат динидир, мусулмон ҳуқуқи тамойиллари қонунчиликнинг асосий манбаидир (2-модда), белгиланган давлат структуралари (Маслаҳат кенгаши) ислон маданиятини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Конституциянинг баъзи қисмлари ислон ҳуқуқини акс эттиради. Хусусан, фуқароларнинг давлат органларига тўғридан-тўғри мурожаат қилишлари, аёлларнинг оила ва жамият олдидаги мажбуриятлари шулар жумласидан. Сиёсий ҳуқуқлар Миср конституциясида тўлиқ баён этилишига қарамадан, ижроси ахлоқ тамойилларига мос қилини зарурлиги таъкидланади. 1980 йилги “Қадриятларни парокандалиқдан асраш

⁴⁵ Ўша жойда.

⁴⁶ Дастур Мамлакатул ал-Баҳрайн // <http://www.shura.bh/LegislativeResource/Constitution/Pages/default.aspx>

Дастур ли Давлат Қатар // <http://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/ar/qa/qa009ar.pdf>

Дастур ли Давлат Ал-Кувайт // http://www.constitutionnet.org/files/constitution_of_kuwait_1962_-_arabic.pdf

Дастур ли ад-Давлат Ал-имарот ал-арабиййа ал-Муттаҳида // <http://uaecabinet.ae/ar/UAEGovernment/Pages/UAE-Constitution.aspx>

Дастур ли Султанат Оман // <http://www.omanlegal.net/vb/showthread.php?t=639>

⁴⁷ Дастур ал-Жумхурият ал-Судан // <http://www.moj.gov.sd/constitution.php>

⁴⁸ Дастур ал-Жумхурият ал-Судан // <http://www.yemen.gov.ye/portal/الجمهوريةاليمنية/الدستور/tabid/2618/Default.aspx>

http://www.ndc.ye/constitution_draft.pdf

⁴⁹ Дастур ал-Жумхурият ал-Судан // <http://www.moj.gov.sd/constitution.php>

ҳақида”ги қонунга асосан раҳбарлик лавозимларини “илоҳий қонунлар”ни рад этувчилар эгаллаши таъқиқланади.

Мисрда 2010-2013 йиллар давомида юз берган расмий ҳокимият ва муҳолифат ўртасидаги курашлар бартараф этилганидан сўнг янги конституцияда ҳам 1971 йилги каби исломнинг жамият ривожига муҳим роли эътироф этилади. Ислом давлат динидир, мусулмон ҳуқуқи тамойиллари қонунчиликнинг асосий манбаидир, деб 2-моддада белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, янги конституцияга мамлакатда истиқомат қилувчи христиан ва яҳудий жамоалари мақоми билан боғлиқ баҳсли масалаларни улар ўз қонун қондаларига мувофиқ ҳал этишлари ҳуқуқини берадиган модда қўшилди.

Ливияда давлат дини сифатида ислом, қонунчилик асоси сифатида шариат тан олинади. 1977 йилда қабул қилинган “Халқ ҳокимиятини ўрнатиш тўғрисидаги декларация”нинг 2-моддасига асосан: “Муқаддас Қуръон Ливия социалистик халқ араб жамаҳириясининг конституциясидир”. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, диний омил Ливия давлат механизмининг асосий унсурларидан бўлган. Ливия монархи сенусийлар орденининг (тахминан 30% Ливия мусулмонлари сенусийлар ордени таълимотларининг тарафдорлари эди) бошлиғи бўлган. Монархия даврида кўпчилик уламолар ҳудудий вакилликларда ва судларда муҳим лавозимларни эгаллашди. 1969 йилда давлат тепасига келган М.Каддафи ҳам давлат органи тизимларини яратишда уларнинг ислом характерига эътибор берди. М.Каддафининг “Яшил китоби”да шундай дейилади: “Ўзида одатларни жам этган дин табиийлик қонунининг исботидир. Дин ёки урф-одатларга асосланмаган қонунлар бир инсон томонидан иккинчи инсонга қарши тузилган бўлади ва шунинг учун кучга эга эмасдир. Зеро, улар табиий манбага – одат ва динга асосланмагандир”. Ислом дини Ливияда (бошқа араб давлатлари каби) турли қатлам вакиллари (шаҳарлик, қишлоқ, ўтроқ, кўчманчи) боғловчи ҳалқа сифатига хизмат қилган.

Ислом давлат қонунларида акс эттирилишининг яна бир жиҳати – унинг олий давлат органлари ва давлат бошқарувида асос деб эълон қилинишидир. Биринчи ўринда, бу ҳолат барча давлат тизимлари учун жуда муҳим бўлган институт – давлат бошлиғига (монарх ёки президент) алоқадордир. Мусулмон назариясига биноан давлат раҳбари лавозимини эгаллашнинг асосий шартларидан бири унинг ислом динидалигидир. Бундан фақат Ливан конституцияси истиснодир. Давлатнинг бошқарувида маронийлар (католик араблар), шунингдек, проваслав, сунний, шиа, друз, юнон-католик конфессиялари вакиллари ҳам учратиш мумкин. Араб мамлакатларида давлат тизимини диний конфессиялар асосида ташкил этишга бўлган урунишлар кўп кузатилади. Хусусан, Сурия ва Ироқда 50-йилларгача депутатлар палатасига ҳар хил конфессия вакиллари тенг миқдорда депутатлар олинган. Ироқда эса олтига ўрин христианлар учун ажратилган. 1949 йилги Суриянинг сайлов қонунига кўра, депутатлар палатасига 86 та мусулмон, 15 та христиан, битта яҳудий ва олтига бадавий вакиллари сайланган. Аммо, ҳозиргача фақатгина Ливанда мазкур ҳолатнинг классик кўриниши сақланган.

Ливандаги давлат тизимининг умумий тамойиллари француз мандати даврида шаклланган эди. Аҳолини рўйхатга олишда берилган маълумотларга кўра, 1932 йилда христианлар аҳолининг 52 фоизини, мусулмонлар эса 48 фоизини ташкил этган. Христиан аҳоли кўплиги учун Франция ва Ливан (айниқса, маронийлар) христианлари ўртасида ўзаро яқин тарихий алоқалар шаклланган. Франция аҳолининг айнан шу қисми учун кўпроқ ваколатлар бериб, Ливаннинг кейинги ички ва ташқи сиёсатига таъсир ўтказишни режалаштирганлар. Катта буржуазия вакиллари бўлган христианлар мазкур ҳудуддаги Сурия, Иордания ва бошқа мусулмон давлатларнинг таъсирдан хавотирга тушиб, мамлакатда конфессионал тизим ўрнатилиши тарафдори бўлганлар. Уларнинг фикрига кўра, Ливан давлатининг конфессионал асоси христианлар мақсадларининг таянчи бўлиши лозим эди. Конфессионал тизим 1926 йилдаги Ливан конституциясида (95-моддага кўра,

“давлат ва вакиллик органларида жамоаларнинг адолатли нисбатда вакиллари бўлиши”⁵⁰ лозим) ҳам 1943 йилдаги Миллий пактга кўра ҳам мосдир. Мазкур пакт республиканинг биринчи президенти, христиан-мароний бўлган Бишар ал-Хури ва унинг биринчи бош вазири, мусулмон сунний бўлган Риёд Солих ўртасидаги келишув бўлиб, амалда мамлакатнинг ёзилмаган конституция кучига эгадир⁵¹. Унга кўра, давлат аппаратида турли хил жамоаларнинг ўзаро адолатли вакилликлари таъминланди. Конституцияга кўра, катта ваколатларга эга мансаб – президентлик энг катта христиан жамоаси маронийларга, бош вазир – суннийларга, парламент раислиги – шиаларга, бош вазир ва парламент раиси ўринбосарлари – проваславларга берилган⁵².

Сурия (2-модда), Мавритания (23-модда), Жазоир (73-модда), Тунис (40-модда) ва бошқа давлатлар конституциясида президентликка номзод мусулмон бўлиши шартлиги кўрсатилган⁵³. Ундан ташқари, давлат раҳбари лавозимига ўтиришдан олдин расмий қасамёд қилинади. Қасамёд конституциянинг махсус бўлими сифатида берилади. Қасамёд қуйидаги кўринишга эга бўлиши мумкин: “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм” (“Меҳрибон ва Раҳмдил Аллоҳ номи билан бошлайман”) ўз мажбуриятларимни виждонан бажаришга, конституцияни ҳимоя қилишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қасамёд қиламан.

Бошқа давлат мансабларига келсак, мусулмон қоидаларига кўра, уларда бошқа дин вакиллари бўлиши мумкин. Ҳатто халифалик даврида ҳам вазир ва ҳукмдорлар лавозимига бошқа дин вакиллари қўйилган ҳолатлар тарихдан маълум. Аммо замонавий қонунчиликда истисно ҳолатлари учраб туради. Баъзи давлатларда давлат раҳбарининг қасамёдида ўхшаган қасамёд матнини унинг олдида келтирилиши талаб қилинади. Хусусан, 1990 йилги Ироқ конституциянинг 59-моддасига кўра, нафақат президент ёки вице-президент балки вазирлар маҳкамасининг барча аъзоларидан қасамёд қабул қилдириш талаб қилинади. Хусусан, Сурия конституцияга кўра (116-модда), Вазирлар кенгашининг раиси, унинг ўринбосарлари, вазирлар ва уларнинг ўринбосарлари ҳам келтиришлари лозим. Миср Миллий йиғилишининг депутатлари (90-модда) ҳам ўз вазифаларига киришар экан, қуйидагича қасамёд қилади: “Ватан дахлсизлигини сақлашга ва республика тизимини ҳимоя қилишга, халқ манфаатлари йўлида хизмат қилишга, конституция ва қонунларни ҳурмат қилишга Қодир Аллоҳ номи билан қасамёд қиламан”.

Яна бир исломнинг конституциявий таъсир омили кўпгина араб давлатларида (хусусан, республикаларда ҳам) махсус маслаҳат-келишув органларининг (одат давлат бошлиқлари қошида) тамомила исломнинг анъанавий тамойилларига асосланган ҳолда тузилишидир. Масалан, Жазоир конституциянинг 171-моддасига кўра, республика президенти қошида Олий ислом кенгаши ташкил этилади ва унга қуйидаги ваколатлар берилади: “Ижтиҳоднинг ривожланишини қўллаш; президент томонидан топширилган масалалар бўйича ўзининг диний фикрларини билдириш; ўзининг фаолияти тўғрисида президентга доимий ҳисоботлар бериш”⁵⁴. Жазоирнинг Олий Ислом кенгаши 15 аъзодан иборат бўлиб, унинг раиси президент томонидан тайинланади (172-модда)⁵⁵.

Худди шундай хусусиятларга эга бўлган маслаҳат кенгаши Мисрда ҳам амал қилади.

⁵⁰ Дастур ал-Лубнаний // http://www.tayyar.org/NR/rdonlyres/A57332DA-B8BF-4246-8650-475BA0BB3713/0/constitution_ar.pdf

⁵¹ Ўша жойда.

⁵² Ўша жойда.

⁵³ Дастур ал-Жумхурият ал-Жазаирийа ад-Демократийа аш-Шаъбийя// <http://www.e-lawyerassistance.com/LegislationsPDF/algeria/ConstitutionAr.pdf>

Дастур ли Жумхурият ат-Тунис//<http://www.tunisie-constitution.org/>

⁵⁴ Дастур Ал-Жумхурият Ал-Жазаирийа Ад-Демократийа Аш-Шаъбийя// <http://www.e-lawyerassistance.com/LegislationsPDF/algeria/ConstitutionAr.pdf>

⁵⁵ Ўша жойда.

1991 йилги Мавритания конституцияси ҳам шахсан президент томонидан тайинланадиган ва 5 кишидан иборат президент қошидаги Олий ислом кенгаши ташкил этилишини назарда тутди. Президент талабига кўра, мазкур кенгаш президент томонидан киритилган ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришлари лозим. Шу алфозда Олий ислом кенгашининг мавқеи президент қошидаги бошқа кенгашлар, Иқтисодий ва Ижтимоий кенгашлардан ҳам юқори туради.

Яна бир ислом тамойилларининг конституцияда акс этилиши бу фуқароларнинг ўзига хос ҳуқуқ ва эркинликларидир. Энг муҳими, шахснинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми тенглик тамойилидир. Мазкур тамойилга кўра, араб давлатларининг конституцияларида фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги кўрсатиб ўтилади. Фуқаролар ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларида тенгдирлар, деб эълон қилинади. Улар орасида жинси, ирқи, танасининг ранги, этник келиб-чиқиши, тили, иш фаолияти, ижтимоий ҳолати ва дини бўйича чекловларга ва таҳқирларга йўл қўйилмайди (Яман конституцияси, 27-модда). Баъзи конституцияларда барча фуқаролар ўзларининг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари ҳеч қандай чекловларсиз тенглиги эътироф этилади (Ливан конституцияси, 7-модда). Иордания конституциясида бу ҳолат сал эҳтиёткорлик билан белгиланади. 6-моддасига кўра, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари жинси, тили ва дини асосида чекланиши мумкин эмас. Сурия конституциясида фуқароларнинг қонун олдида тенглиги кўзда тутилади. Улар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича тенгдирлар, шу ўринда давлат улар учун бир хил имкониятлар яратади. Худди шу тенг имкониятлар тамойили Ироқ конституциясининг 19-моддасида ҳам акс этади.

Юқоридагилардан яққол кўриниб турибдики, исломга конституциянинг асосий манбаи сифатида қаралади ва ислом қонун-қоидаларига амал қилиш конституция даражасига кўтарилган. Турли конституциялар мазкур ҳолатга турлича ёндашган бўлсаларда, конституцияга исломнинг шу даражада таъсири давлатларнинг сиёсий-ҳуқуқий мақоми, давлат органлари тизими, олий ҳокимият органлари ва давлат бошлиғи ва давлат аппарати ўз-ўзидан ислом омилига асосланади. Исломи ўзининг конституцион ва кенг оммага таъсири натижасида у бутун таълим ва тарбия тизими, шунингдек, аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва оилавий муносабатларни белгилаб бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дастур ал-Жумхурият ал-Жазаирийа ад-Демократийа аш-Шаъбиййа// <http://www.e-lawyerassistance.com/LegislationsPDF/algeria/ConstitutionAr.pdf>
2. Дастур ал-Жумхурият ал-Судан// <http://www.moj.gov.sd/constitution.php>
3. Дастур ал-Жумхурият ал-Судан// <http://www.moj.gov.sd/constitution.php>
4. Дастур ал-Жумхурият ал-Яман// <http://www.yemen.gov.ye/portal/الجمهوريةاليمنية/الدستور اليمني/tabid/2618/Default.aspx>
http://www.ndc.ye/constitution_draft.pdf
5. Дастур ал-Лубнаний // http://www.tayyar.org/NR/rdonlyres/A57332DA-B8BF-4246-8650-475BA0BB3713/0/constitution_ar.pdf.
6. Дастур ли ад-Давлат Ал-имароот ал-арабиййа ал-Муттаҳида // <http://uaecabinet.ae/ar/UAEGovernment/Pages/UAE-Constitution.aspx>
7. Дастур ли Давлат Ал-Кувайт // http://www.constitutionnet.org/files/constitution_of_kuwait_1962_-_arabic.pdf
8. Дастур ли Давлат Қатар // <http://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/ar/qa/qa009ar.pdf>
9. Дастур ли Жумхурият ат-Тунис// <http://www.tunisie-constitution.org/>
10. Дастур ли Султанат Оман // <http://www.omanlegal.net/vb/showthread.php?t=639>
11. Дастур Мамлакатул ал-Баҳрайн // <http://www.shura.bh/LegislativeResource/Constitution/Pages/default.aspx>
12. Яковлев А.И. Исламский фактор в политике Саудитов в 90-е годы XX в. // Ближний Восток: проблемы региональной безопасности (сборник статей). – М., 2000. – С. 67-71.

13. Мухаммадсиддиқов, М. (2021). ХИТОЙНИНГ ЎРТА ШАРҚДАГИ СИЁСИЙ-ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯСИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(Special Issue 1), 669-678.
14. Исроилова, Г., & Мухаммадсиддиқов, М. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАНИНГ ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИГИДА ТУТГАН ЎРНИ. In *ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ* (pp. 196-200).
15. Muhammadsidiqov, M. (2018). THE INFLUENCE OF" RELIGIOUS FACTOR" ON ETHNO-POLITICAL AND CONFESSIONAL CONFLICTS IN MUSLIM COUNTRIES. *The Light of Islam: Vol: Iss. 1, Article 18*.
16. Muhammadsidiqov, M. (2015). Stability of North African Region. *Int. J. of Multidisciplinary and Current research*, 3.(In Eng).
17. MUHAMMADSIDIQOV, M. (2015). Özbekistan’da toplumsal yaşamın ana özelliği hoşgörü. *Atatürk Üniversitesi Sosyal Bilimler Dergisi*, (54), 7-14.
18. Mukhammadsidiqov, M. (2021). PROBLEMS OF THE INFLUENCE OF POLITICAL ISLAM ON SOCIAL STABILITY. *Innovative Technologica: Methodical Research Journal*, 2(12), 30-37.
19. Mukhammadsidiqov, M. (2020). MINTAQAVIY HAMKORLIK JARAYONLARINING METODOLOGIK ASOSLARI. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*.
20. Muhammadsidiqov, M. (2021). INTEGRATSIYA TUSHUNCHASI: MAZMUN VA MOHIYATI. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, (1), 68-77.
21. Muhammadsidikov, M. (2009). Religious tolerance as the main feature of the public life of Uzbekistan. *Eurasian Journal of Regional and Political Studies*, (40), 69-72.
22. MUHAMMADSIDIQOV, M. MAIN FEATURE OF SOCIAL LIFE IN UZBEKISTAN. *Atatürk University. Journal of Social Sciences*, (54), 7.
23. Nazirov, M., & Mukhammadsidiqov, M. (2020). Central Asia: Involvement of Afghanistan in Regional Development Processes. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 266-272.
24. Mukhammadsidiqov, M. (2021). Problems of Escalation of Religious Xenophobia in the ERA of Globalization. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE*, 2(12), 17-23.